



# The GE - UZ

**ГЕОИНФОРМАТИКА:** Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш

## Бўлимлар

- ❖ Кириш
- ❖ Кискача тарихи
- ❖ Мақсад ва вазифалари
- ❖ Бизнинг ҳаракатлар
- ❖ Бизнинг ҳамкорлар
- ❖ Натижалар
- ❖ Ҳозир биз нималар устида ишдаёмиз?
- ❖ Сиз бизга қандай ёрдам бера оласиз?

### Кириш

Ушбу ахборотнома сизга янги TEMPUS GE-UZ лойихаси томонидан Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш учун мулжалланган. Ушбу лойиҳанинг мақсади Ўзбекистондаги ҳамкор университетларининг “Болония жараёни”га, халқаро уқув стандартларига ҳамда меҳнат бозори талабларига мос келадиган ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ёрдам берувчи янги геoinформатика буйича магистратура дастурини ташкил этиш ҳамда мутахассисларни шакллантиришдан иборат. Лойиҳа Европа Иттифоқининг TEMPUS дастури томонидан молиялаштирилади ва бундан мақсад Европа Иттифоқи давлатлари ва ривожланаётган давлатлар уртасида таълим буйича ҳамкорликни ривожлантиришдир.

### Кискача тарихи

Европа Иттифоқи уз олдига Европа Иттифоқи таркибига қирмайдиган мамлакатлар шу жумладан ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш ҳамда ўзаро рақобатни таъминлаш мақсадида таълим соҳасидаги энг илғор билим ва тажрибаларни ургатишни мақсад қилиб қуйган. Европа Иттифоқининг TEMPUS лойиҳасини тузишдан бош мақсад ушбу мамлакатларнинг таълим тизимини халқаро стандартларга асосланган ҳолда ривожланишига ёрдам бериш ва модернизация қилишдан иборат. Ҳозирги кунда Ўзбекистон атроф муҳитнинг ифлосланиши, қургокчилик, ерлардан нотугри фойдаланиш каби бир нечта муаммоларни бошидан кечирмоқда. ГИС технологияларини куллаш орқали бу муаммоларни ечишда жуда самарали натижаларга эришиш мумкин. Ўзбекистонда уқув дастурлари ва инфраструктурасини модернизация қилиш зарурияти мавжуд ва бу лойиҳа орқали ҳамкор

университетларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мумкин бўлади. Умуман олганда, узгаришларни муносиб бошқариш учун Ўзбекистонда Геoinформатикага боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлди.

### Мақсад ва вазифалари

GE-UZ лойиҳасининг мақсади Ўзбекистондаги ҳамкор университетларининг “Болония жараёни”га, халқаро уқув стандартларига ҳамда меҳнат бозори талабларига мос келадиган ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ёрдам берувчи янги геoinформатика буйича магистратура дастурини ташкил этиш ҳамда мутахассисларни шакллантиришдан иборат.

Лойиҳанинг асосий вазифалари қуйидагича:

- Геoinформатика буйича магистратура йўналишини очиш ва ривожлантириш
- Уқитувчиларни тренинг курсларида уқитиш орқали ушбу магистратурада дарс берадиган уқитувчиларни малакасини ошириш
- Замонавий геодезик асбобларни олиб келиб моддий техника базасини яратиш орқали университетларда ГИС ва геодезияни уқитишга муносиб муҳит яратиш
- Барқарор таълим тармоқларини шакллантириш орқали барқарор таълим муҳитини яратиш.

### Бизнинг фаолиятимиз

Лойиҳа бошланишида эҳтиёжлар таҳлили амалга оширилади ва ана шу таҳлил натижасига қура уқув режаси тузилади.

Курснинг умумий структураси барча ҳамкорлар билан муҳокама қилинади, ҳамда қоида ва намуналар пухта ишлаб чиқилган тавсифномада курсатилади. Ўзбекистондаги ҳамкор университетлар ва ташкилотлар уқув материалларини яратишгандан сунг уқув режаси ва уқув дастури шакллантирилади. Модуларнинг стандартларга ва қизиқувчи

томонларнинг талабларига жавоб бериши текширилади ва кайта куриб чикилади. Шунингдек, уқитувчиларнинг тренингларга катнашиб малака ошириши ушбу магистратура йуналишининг сифатли ва барқарорлигини таъминлайди. Хамкор университетларда ГИС лаборатория хоналарини ташкил этилиши ҳамда геодезик ва ГИС буйича асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб уларда замонавий таълим муҳити яратилади. Талабалар ва факультетлар уртасида ўзаро ҳамкорликка асос солиш мақсадида баъзи асбоб - ускуналар биргаликда фойдаланилади. Магистратура дастури аккредитация килингандан сунг умумий лойиха муддатининг учдан бир қисми давомида ушбу магистратура йуналиши тақдим этилади. Лойиха давомида фикр ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш мақсадида бир нечта учрашув ва тренинглари утказилади. 3 йил давомида лойиха буйича маслаҳатлар бериш ва куллаб қуватлаш мақсадида Лойиха Маслаҳат Кенгаши ташкил этилади.

### **Бизнинг ҳамкорлар**

Лойихани бошқариш жавобгарлигини Гарбий Венгрия Университети (UWN) уз зиммасига олади. Зальцбургдаги Париж-Лондон Университети (АТ), Швеция Кириллик Университети (SE) ва Лондон Гренвич Университетлари (UK) Европа Иттифоқидаги хамкор университетлардир.



Ўзбекистондаги хамкор Университет ва ташкилотларга қуйидагилар қиради:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети (УМУ), Тошкент
- Қорақалпоқ Давлат Университети (ҚДУ), Нукус
- Тошкент Архитектура Қурилиш Институти (ТАКИ), Тошкент
- Тошкент Ирригация ва Мелиорация Институти (ТИМИ), Тошкент
- Олий ва Урта Махсус Таълим Вазирлиги, (ОУМТВ) Тошкент
- Геодезия ва Картография Миллий Маркази (ГКММ), Тошкент
- Геоинформ-Кадастр Давлат Унитар Қорхонаси, Тошкент

### **Қутилаётган натижалар**

GE-UZ лойихасидан бир қанча натижалар қутилмоқда. Эҳтиёжлар тахлили суровномаси баҳолангандан сунг тахлил ҳисоботи тузилади. Мана шу тахлил ва Ўзбекистондаги хамкорлар билан биргаликда янги замонавий Геоинформатика уқув режаси ва дастури тузилади. Халқаро стандартлар ва Болония қелишуви асосида уқув материаллари яратилади. Ушбу лойихада

геодезия, картография ва кадастр йуналишлари буйича бакалавриатура дастурини янгилаш ҳам қузда тутилган. Малака ошириш курсларида катнашган уқитувчиларга эга булган Геоинформатика буйича янги магистратура курси бошланади. Магистратура 10 та модуль ва ёзги қиска курсдан иборат. 4 та ГИС лаборатория хоналари, янги дастурлар, ГИС ва геодезик - асбоб ускуналар ҳамда веб-сайт/тармок порталига эга булган янги замонавий марказ ташкил этилади. Ушбу магистратура меҳнат бозорига ушбу соҳада энг замонавий амалиётларни утаган ва ташкилотларни талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни етказиб беради. Маълумотлар тарқатиш жараёни лойиханинг бошқа институтиларга ҳам қириб боришида ёрдам беради. Бизнес режада лойиханинг узок муддатда барқарор давом этиши режалаштирилган.

### **Биз ҳозир нималар устида ишлаяпмиз?**

Хамкорлар ва ГИСга таълуқли булган ташкилотларнинг эҳтиёжларини урганиш ва тахлил қилиш мақсадида 2 та саволнома тузилди.

2013 йил 17-19 январ қунлари лойиханинг очилиш маросимини амалга оширишни режалаштиряпмиз.

Лойиха ҳақида тулик маълумотларни уз ичига олган янги веб-сайт устида ишланяпти ва бу веб-сайтда GE-UZ лойихасининг амалга оширишга боглиқ булган янгиликлар ёритиб борилади.

[www.ge-uz.eu](http://www.ge-uz.eu) саҳифасида лойиха ҳақида инглиз тилида маълумот олишингиз мумкин ва ўзбек тилидаги саҳифаси ҳам тез орада яратилади.

### **Сиз бизга қандай ёрдам бера оласиз?**

Биз GE-UZ лойихаси Ўзбекистондаги ГИС жамияти талабларини қондиришига ишонамиз. Лойиха ҳақидаги янгиликларни шу қабил ахборотномалар орқали доимий хабардор қилиб турамыз.

Шунингдек, сизларнинг лойиха ҳақидаги фикрларингиздан хабардор булишни хоҳлаймиз шунинг учун фикр ёқи мулоҳазаларингиз булса биз билан алмашишингиз сураймиз.

Сизларга қелгусида лойихани амалга ошириш жараёни ҳақида қупрок маълумотлар етказиб турамыз ва сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни қутиб қоламыз. Ташаккур.

Батафсил маълумотлар учун [www.ge-uz.eu](http://www.ge-uz.eu)

саҳифасига қиринг

Ёқи алоқа учун:

### **Проф. Бела Маркус**

GE-UZ TEMPUS лойихаси координатори

Геоинформатика факультети, Гарбий Венгрия

Университети UWN (GEO)

Pirosalma u 1-3

Székesfehérvár H-8000

Email: [ge-uz@geo.info.hu](mailto:ge-uz@geo.info.hu)

ёқи

### **Одил Акбаров**

GE-UZ TEMPUS Миллий Координатор

Тошкент Ирригация ва Мелиорация Институти

(ТИМИ)

Қори Ниёзий 39

Тошкент UZ-100000

Email: [odilxon@yahoo.com](mailto:odilxon@yahoo.com)